PEDAGOGIK TADQIQOTLAR JURNALI
ISSN: 3060-4923 Impact Factor –7,212

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ РАҚАМЛАШУВИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА

Poziljonov Ziyovuddin Rustamjon o‘g‘li
Mustaqil izlanuvchi
+998(50)004-14-96
poziljonovziyouddin@gmail.com
https://doi.org/10.5281/zenodo.20374684

Анотация. Мақолада Ўзбекистонда давлат бошқарувини рақамлаштириш жараёни халқаро рейтинглар асосида таҳлил қилинган. Жаҳон тажрибаси ва миллий норматив-ҳуқуқий база кўриб чиқилган, рақамлаштиришнинг афзалликлари ва мавжуд муаммолар таҳлил қилинган. Ўзбекистоннинг EGDI ва GovTech Maturity Index рейтингларидаги ютуқлари баҳоланган ҳамда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасидаги истиқболлар белгилаб берилган.
Калит сўзлар. Электрон ҳукумат, рақамли трансформация, давлат бошқаруви, халқаро рейтинглар, EGDI, GovTech, Maturity Index, Рақамли Ўзбекистон – 2030.

Abstract. The article analyzes the process of digitalization of public administration in Uzbekistan based on international ratings. Global experience and the national regulatory framework were reviewed, advantages of digitalization and existing problems were analyzed. Uzbekistan's achievements in the EGDI and GovTech Maturity Index rankings were assessed, and prospects within the framework of the “Digital Uzbekistan – 2030” strategy were defined.
Keywords. E-government, digital transformation, public administration, international ratings, EGDI, GovTech, Maturity Index, Digital Uzbekistan - 2030.

Анотация. В статье проанализирован процесс цифровизации государственного управления в Узбекистане на основе международных рейтингов. Рассмотрен мировой опыт и национальная нормативно-правовая база, проанализированы преимущества цифровизации и существующие проблемы. Оценены достижения Узбекистана в рейтингах EGDI и GovTech Maturity Index, а также определены перспективы в рамках стратегии “Цифровой Узбекистан – 2030”.
Ключевые слова. Электронное правительство, цифровая трансформация, государственное управление, международные рейтинги, EGDI, GovTech, Maturity Index, Цифровой Узбекистан - 2030.

Кириш. XXI асрнинг биринчи чорагида жаҳон мамлакатлари давлат бошқарувини рақамлаштириш соҳасида юқори натижаларга эришмоқда. Бугунги кунда дунё аҳолисининг 70 фоиздан ортиғи Интернет фойдаланувчиси ҳисобланади ва бу кўрсаткич рақамли технологияларнинг кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, давлат бошқарувини рақамлаштириш ва электрон ҳукумат тизимини йўлга қўйиш зарурати ошиб бораётганлигини англатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, жаҳондаги 193 та давлатнинг аксарияти электрон ҳукумат тизимини жорий этиш бўйича фаол ҳаракат қилмоқда. Дания, Эстония ва Сингапур каби давлатлар бу соҳада етакчи ўринларни эгаллаб, бутун дунё учун намуна бўлмоқда. Масалан, Эстониянинг X-Road тизими давлат органлари ўртасида хавфсиз маълумот алмашинувини таъминлайди ва фуқаролар қарийб барча давлат хизматларидан

онлайн фойдаланиш имкониятига эга[1]. Давлат бошқарувининг рақамлашуви нафақат давлат хизматларини такомиллаштиради, балки коррупциянинг олдини олиш, бюрократияни камайтириш ва давлат бюджети харажатларини оптималлаштиришга ҳам хизмат қилади. Тадқиқотларига кўра, электрон ҳукумат тизимини жорий этган давлатларда давлат хизматлари кўрсатиш харажатлари сезиларли даражада камайган.

Ўзбекистонда давлат бошқарувини рақамлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Марказий Осиё минтақасида ҳам давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича жиддий қадамлар қўйилмоқда. Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон каби давлатлар ушбу соҳада сезиларли ютуқларга эришмоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда давлат бошқарувини рақамлаштириш борасида тизимли ислоҳотлар 2017 йилдан сезиларли даражада жадаллашди. Айнан шу йили "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди ва бу ҳужжат рақамли трансформациянинг норматив-ҳуқуқий асосини яратди[2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони билан "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегияси қабул қилинди[3]. Стратегия мамлакатда рақамли саноатни жадал ривожлантириш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлиб, ҳудудлар ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурларини ўз ичига олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 майдаги "Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-162-сон Қарори билан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига рақамли хизматлардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бюрократик тартиботларни қисқартириш, шунингдек, давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳамда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш мақсадида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, 2025 йилнинг ноябрь ойида "Давлат бошқарувини рақамли трансформация қилиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" Президент Қарори қабул қилинди. Қарор билан давлат хизматларини кўрсатиш босқичларини мақбуллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларга ортиқча мажбуриятлар юклатилишининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, аҳоли ва бизнес ўртасида рақамли мулоқотни тўлақонли йўлга қўйиш ва бу борадаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш мақсадида 2026 йил 1 январдан бошлаб давлат бошқарувини рақамли трансформация қилиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган "Бюрократияни бартараф этиш – 2030" дастури ишга туширилиши белгиланди.

Давлат бошқарувини рақамлаштириш ҳалқаро рейтингларда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2024 йилги **Электрон ҳукумат ривожланиши индекси** натижаларига кўра, Ўзбекистон 193 давлат орасида 63-ўринни эгаллаб, 2022 йилдаги 69-ўрнига нисбатан 6 поғонага кўтарилган[4]. Ўзбекистоннинг индекси кўрсаткичи 0,79 баллни ташкил этди ва бу паст ва ўрта даромадли давлатларнинг ўртача кўрсаткичи бўлган 0,76 баллдан юқори. Ўз навбатида, илк маротаба Ўзбекистон баланд электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси

[1] E-Government Development Index (EGDI). Overview. UN Public Administration Network. //https://publicadministration.un.org/egovkb/

[2] Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонуни. 2015 йил 9 декабрь, ЎРҚ-395-сон. //https://lex.uz/docs/2833860

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли Ўзбекистон — 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сон Фармони

[4] UN EGovernment Knowledgebase. //https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Data/Country-Information/id/186-Uzbekistan

гуруҳидан *“жуда баланд”* гуруҳига қўшилди. **Электрон ҳукумат ривожланиши индекси** – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳар икки йилда бир марта эълон қилинадиган электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражасини ўлчовчи индексдир. У мамлакатларнинг рақамли хизматлар, телекоммуникация инфратузилмаси ва инсон капитали салоҳиятини баҳолайди.

Шунингдек, 2025 йилда Ўзбекистон Жаҳон банки томонидан эълон қилиб бориладиган **Давлатларнинг технологик етуклик индексида** 71 поғона юқорилаб 9-ўринни эгаллади[5]. Ушбу индекс давлат бошқарувида рақамли трансформация даражасини баҳолайди. Шунингдек, индекс натижалари Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда изчил ўсиш динамикасини яққол намоён этади. Хусусан, 2020 йилда мамлакатимиз 80-ўринда (0,617 балл) қайд этилган бўлса, 2022 йилда 43-ўринга (0,813 балл) кўтарилган, 2025 йилда эса 9-ўринни (0,958 балл) эгаллади. Мазкур кўрсаткичлар мамлакатимизда давлат бошқарувини рақамлаштириш, электрон давлат хизматларини кенг жорий этиш ҳамда фуқаролар учун қулай ва самарали рақамли давлат тизимини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини яна бир бор тасдиқлайди. Мисол учун биргина Ўзбекистон электрон ҳукумат тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланган **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** (my.gov.uz)дан 2024 йил ҳолатига ушбу портал орқали 700 дан ортиқ электрон давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Порталдан фойдаланувчилар сони 10 миллион кишидан ошган бўлиб, бу аҳолининг учдан бир қисмини ташкил этади[6].

Давлат бошқарувини рақамлаштиришнинг ижобий ва салбий жихатлари. Давлат бошқарувини рақамлаштиришнинг ижобий томонлари кўп.

Биринчидан, давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиги сезиларли даражада ошади. Фуқаролар давлат идораларига бормасдан, уйдан туриб онлайн тарзда хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Иккинчидан, рақамлаштириш коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади. Фуқаролар ва давлат хизматчилари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа камайиши натижасида пора олиш ва бериш ҳолатлари камаяди.

Учинчидан, давлат харажатлари оптималлаштирилади. Қоғоз ҳужжатларни йўқ қилиш, автоматлаштириш ва жараёнларни соддалаштириш орқали бюджет маблағлари тежалади.

Тўртинчидан, давлат бошқарувининг шаффофлиги ошади. Очиқ маълумотлар порталлари орқали фуқаролар давлат органлари фаолияти, бюджет маблағларининг сарфланиши ва бошқа муҳим маълумотларга эркин кириш имкониятига эга бўладилар. Бу эса давлатга бўлган ишончни мустаҳкамлайди ва фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат қилади.

Бироқ давлат бошқарувини рақамлаштириш бир қатор муаммо ва хавфларни ҳам келтириб чиқаради. *Биринчи* навбатда, Интернетга кириш имкониятининг тенг эмаслиги масаласи турибди. Қишлоқ жойларда Интернет тармоғи етарли даражада ривожланмаганлиги ёки фуқароларнинг рақамли саводхонлиги паст бўлиши рақамли тенгсизликни келтириб чиқаради.

Иккинчидан, киберхавфсизлик масаласи жиддий аҳамият касб этади. Рақамли тизимлар ҳакерлар ҳужуми бўлиши, шахсий маълумотлар ўғирланиши ёки тизимлар ишдан чиқиши мумкин. Хусусан, 2026 йил 2 февралида ижтимоий тармоқларда кўплаб фуқароларнинг шахсий маълумотлари давлат органларининг сайтларини бузиш орқали қўлга киритилгани ҳақида хабарлар тарқалгани бунга мисол бўла олади. Давлат органлари киберхавфсизлик

[5] Цифровой скачок: Узбекистан поднялся на 71 позицию в Индексе GovTech и вошёл в ТОП-10 стран мира. //https://gov.uz/ru/digital/news/view/112421

[6] Fpaperwork to platforms: Uzbekistan accelerates digital governance. //https://www.euronews.com/business/2025/12/25/from-paperwork-to-platforms-uzbekistan-accelerates-digital-governance

инфратузилмасини мустаҳкамлаш, маълумотларни шифрлаш ва доимий мониторинг тизимларини жорий этиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон давлат бошқарувини рақамлаштириш соҳасида салмоқли натижаларга эришмоқда. Халқаро рейтинг ва индексларда эришилаётган натижалар ҳам мамлакатнинг тўғри йўлда эканлигидан далолат беради. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида белгиланган мақсадларга эришиш учун рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш, аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш, киберхавфсизликни мустаҳкамлаш зарур. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш Ўзбекистонни 2030 йилга бориб БМТ электрон ҳукумат рейтингида илғор 30 та давлат қаторига олиб чиқиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни. 2015 йил 9 декабрь, ЎРҚ-395-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони
3. E-Government Development Index (EGDI). Overview. UN Public Administration Network. //https://publicadministration.un.org/egovkb/
4. UN E-Government Knowledgebase //https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Data/Country-Information/id/186-Uzbekistan
5. Цифровой скачок: Узбекистан поднялся на 71 позицию в Индексе GovTech и вошёл в ТОП-10 стран мира. /https://gov.uz/ru/digital/news/view/112421
6. From paperwork to platforms: Uzbekistan accelerates digital governance. //https://www.euronews.com/business/2025/12/25/from-paperwork-to-platforms-uzbekistan-accelerates-digital-governance